

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СОВРЕМЕННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНЫЙ ИМПУЛЬС



Последние
новости

Последние
образование

Последние
исследование

И НОВЫЕ НАУКИ



Международный современный научно-практический журнал

Научный импульс

№ 2 (100)
сентябрь 2022 г.

Часть 1

Издается с августа 2022 года

Москва 2022

Председатель редколлегии:

Гуляева Елена Камаловна - Представитель технической поддержки

Редакционная коллегия:

Макаровский Руслан Сергеевич - Заведующий кафедрой организационного управления Института прикладного анализа поведения и психолого-социальных технологий, практикующий психолог, специалист в сфере управления образованием.

Арестова Инесса Юрьевна – канд. биол. наук, доц. кафедры биоэкологии и химии факультета естественнонаучного образования ФГБОУ ВО «Чувашский государственный педагогический университет им. И.Я. Яковлева», Россия, г. Чебоксары;

Ахмеднабиев Расул Магомедович – канд. техн. наук, доц. кафедры строительных материалов Полтавского инженерно-строительного института, Украина, г. Полтава;

Бахарева Ольга Александровна – канд. юрид. наук, доц. кафедры гражданского процесса ФГБОУ ВО «Саратовская государственная юридическая академия», Россия, г. Саратов;

Бектанова Айгуль Карибаевна – канд. полит. наук, доц. кафедры философии Кыргызско-Российского Славянского университета им. Б.Н. Ельцина, Кыргызская Республика, г. Бишкек ;

Волков Владимир Петрович – канд. мед. наук, рецензент АНС «СибАК»;

Елисеев Дмитрий Викторович – канд. техн. наук, доцент, начальник методологического отдела ООО "Лаборатория институционального проектного инжиниринга";

Комарова Оксана Викторовна – канд. экон. наук, доц. доц. кафедры политической экономики ФГБОУ ВО "Уральский государственный экономический университет", Россия, г. Екатеринбург;

Лебедева Надежда Анатольевна – д-р филос. наук, проф. Международной кадровой академии, чл. Евразийской Академии Телевидения и Радио, Украина, г. Киев;

Маршалов Олег Викторович – канд. техн. наук, начальник учебного отдела филиала ФГАОУ ВО "Южно-Уральский государственный университет" (НИУ), Россия, г. Златоуст;

Орехова Татьяна Федоровна – д-р пед. наук, проф. ВАК, зав. Кафедрой педагогики ФГБОУ ВО «Магнитогорский государственный технический университет им. Г.И. Носова», Россия, г. Магнитогорск; **Самойленко Ирина Сергеевна** – канд. экон. наук, доц. кафедры рекламы, связей с общественностью и дизайна Российского Экономического Университета им. Г.В. Плеханова, Россия, г. Москва ;

Сафонов Максим Анатольевич – д-р биол. наук, доц., зав. кафедрой общей биологии, экологии и методики обучения биологии ФГБОУ ВО "Оренбургский государственный педагогический университет", Россия, г. Оренбург;

Милютин Николай Даминович – Доктор юридических наук;

Сергеев Анатолин Викторович – Кандидат биологических наук.

Новости образования: исследование в XXI веке: научный журнал. – № 2(100). Часть 2. М., Изд. «МЦНО», 2022.

Журнал «**Новости образования: исследование в XXI веке**» освещает сферу духовно-просветительского мышления человека, общественно-политическую жизнь человека, институты гражданского общества, глобальные проблемы, проблемы образования, новые технологии, производимые сегодня, реформирование системы образования и публикуются научные статьи, посвященные открытому научно-популярному анализу.

Elonova Sitorabonu	
ФАКТОРЫ СУИЦИДАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ. МИРОВОЙ ОБЗОР СУИЦИДАЛЬНОСТИ Султанова Ф.М	360
THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN THE ORGANIZATION OF INDEPENDENT ACTIVITIES OF STUDENTS Sadikova Sh.Sh Ashuraliyev A.A	366
JAMIYAT RAVNAQ TOPISHI UCHUN AYOL KISHINING TUTGAN O'RNI Suyunov Hamidulla Akbarova A'loxon Kamoljon qizi	372
РАЗВЕДЕНИЕ ГРЫЖИ И КЛАССИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ИХ ЛЕЧЕНИЯ Саттаров Ойбек Тахирович Уринов Ойбека Нематжона Бобожонов Ойбек Хайдарович	374
МУЗЫКАЛЬНО – ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АБДУРАУФА ФИТРАТА Б. Мустафаев	376
ВЛИЯНИЕ МОДЕЛИ ПЕРЕВЕРНУТОГО КЛАССА НА АКАДЕМИЧЕСКИЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТНОШЕНИЕ УЧАЩИХСЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА Курбанбоев Дж.А Генжекараева С.А Сулайманова А.И	380
TURKISTON O'LKASIDA DINIY-ISLOMIY TARBIYA MUASSASALARI Bozorov Ulug'bek Bo'stonova Zilola. Zilolabostonova	385
БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ Каримов Олимхўжа Исломович	392
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ Г. М. Шадиева Ф. Б. Шакирова	397
INNOVATIVE WAY OF ECONOMIC DEVELOPMENT: ANALYSIS OF VARIOUS METHODOLOGICAL APPROACHES Gulnora Mardiyevna Shadieva F. B. Shakirova	406
VIRTUAL REALITY TOOLS AS AN INNOVATIVE SOLUTION TO IMPROVE THE QUALITY OF EDUCATION Gulnora Mardiyevna Shadieva F. B. Shakirova	410

БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Каримов Олимхўжа Исломович

*БухДУ Санъатшунослик факультети Мусиқа ижрочилиги ва маданият
кафедраси доценти*

Резюме: Стаття освещає важное значение музыкального воспитания и обучения в духовной становлении личности, самосовершенствовании путём изучения народного музыкального наследия.

Resume: *The article deals with the essence of the music upbringing and teaching in the spiritual formation of the personality, in the self education by studying national musical heritage.*

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби маданий соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлиб, аҳоли маданиятини ва турмуш даражасини юксалтириш, кишиларда маънавий тафаккурни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бой миллий –маданий меросни қайта тиклаш, жамият маданий ҳаётини ривожлантириш ҳамда ёшларни маънавий – ахлоқий жиҳатдан камолга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичларидаги ўқув юртларида мусиқа таълими мазмуни тубдан янгиланиб, миллий мусиқий мерос тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилди. Натижада ўсиб келаётган ёш авлод миллий мусиқа тарихи, унинг ривожланиш йўли, ўзига хос йўналишлари ва анъаналари, шунингдек миллий мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган санъаткорларнинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбек миллий мусиқа санъати ҳам ўзида халқ руҳиятини тўлақонли акс эттириши, унга хос бўлган турмуш тарзи, ҳаётий мақсад – интилишлар, ўй-кечинмалар ва руҳий ҳолатини ифодалай олиши каби имкониятларга эгаллиги билан ижтимоий тарбияни ташкил этишнинг самарали воситаларидан бири саналади.

Ёшларни ўзбек мусиқий мероси намуналари билан таништириш, уларда миллий ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар ўртасида миллий мусиқий меросни тарғиб қилишда мусиқа фани ўқитувчилари асосий субъектлар бўлиб, уларнинг касбий малакаси ҳамда ўзбек мумтоз мусиқасидан хабардор эканликлари кутилган натижага эришиш имконини беради.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини ўзбек халқининг бой мусиқий мероси, айниқса, мақомлар, мумтоз ашулалар, мусиқий фольклор, ҳамда миллий чолғу ижрочилиги намуналари билан яқиндан таништириш мумтоз мусиқа асарларини пухта

билишларини таъминлаш ҳамда улар томонидан зарур касбий фаолият кўникма ва малакаларини ўзлаштирилиш орқали юксак бадиий дидни шакллантириш мумкин.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида бадиий дид, яъни улар ҳатти-ҳаракатларининг тартибли бўлиши, юриш-туриш, кийиниш ва муайян фаолиятни ташкил этишда ўқувчиларга намуна бўла олишлари эстетик тарбиянинг педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилишининг натижасидир. Бунинг учун эса олий таълим муассасаларида бўлажак мусиқа ўқитувчилари онгига ўзбек мумтоз мусиқаси асосларини сингдириш, уларда бадиий дидни самарали шакллантириш учун “Маънавият кунлари” ҳам муҳим восита бўла олади.

Мусиқа йўналишлари талабалари учун ўтказиладиган “Маънавият кунлари”да мусиқий асарнинг ғоявий мазмуни ва ундаги бадиий образларни аниқ тасаввур қилиш, мусиқий асар ғоявий мазмунининг оҳангларда тўла акс этишини англаш, улардаги ўзаро мутаносиблик ва синхронликни тушиниш учун замин ҳозирлайди. Бунинг оқибатида куй ва оҳангни мукаммаллаштирувчи: нола, қочирим ва бошқа безакларни мукаммал ижро эта олишни баҳолай олади. Шунингдек, ижрочининг ижро маҳоратига баҳо бера олади.⁴⁰

Чунки ўзбек халқ мусиқаси жамият аъзоларини, айниқса ёшларни бадиий мусиқий образлар орқали миллий анъаналар руҳида тарбиялаш, уларга руҳий маънавий озик беришда кучли таъсир кўрсатувчи восита ҳисобланади. Мустақиллик шароитида бутун узлуксиз таълим тизими ислоҳотини амалга оширишда “... буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини мустаҳкамлаш ва замон талаблари билан уйғунлаштириш” да мусиқа муҳим ўрин эгаллайди.

Бунда миллий мусиқамизнинг ўрни, яъни ёшларга маънавий – ахлоқий таъсири ҳар қандай педагогик технологиялардан кучли, десак хато бўлмайди. Чунки мустақиллик шароитида миллий мусиқамиз амалиётида янги йўналишлар пайдо бўлиб, ифодавий шакл, ижро услублари ва чолғусозларининг ўзгариши унинг аксинча таъсир кучини янада оширади.

Шундан келиб чиқиб, халқ мусиқасининг бадиий ва тарбиявий имкониятларидан ОўЮ талабалари учун ўтказиладиган “Маънавият кунлари”да унумли фойдаланиш талабаларда халқимиз бой анъаналарига қизиқиш ва ҳурмат-эҳтиромни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса талабаларга ўргатиладиган мусиқий асарлар мазмунини тўғри танлаш ва уларнинг маънавий моҳиятини очиб бериш ўта долзарб ҳисобланади. Бунда мумтоз мусиқий асарлар билан бирга ҳозирги замон мусиқий жанрлари ўзаро уйғунлигини мутаносиб танлаш муҳим ҳисобланади. Чунки ҳозирги кунда ёшларнинг мусиқий қизиқишлари асосан замонавий, оммавий (эстрада) мусиқа жанрларида кўпроқ намоён бўлмоқда. Шу боис талабалар маънавиятини тарбиялашда халқ мусиқаси ва миллий чолғу

⁴⁰ Зарипов К., Норова Ш. Олий ўқув юртларида талабаларни маънавий ахлоқий тарбиялашни комплекс ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари. – Бухоро, БДУ, 2005 йил. 124 бет.

созларини ўрганишга эътиборни кўпайтириш муҳимдир. Чунки уларни миллий оҳанглар билан таништириш уларнинг руҳиятига миллий ғурур, миллий ўзликни англаш, миллий тўйғу сингари юксак инсоний фазилатларни сингдириш имкониятларини беради.

Талабалар “Маънавият кунлари”да ўрганадиган мусиқа асарлари миллий руҳни, инсон ҳис-тўйғуларини ҳамда атроф муҳитни турли мусиқий оҳанглар орқали англаш, мусиқанинг ифода воситаларини билиш, куйга тавсиф бера олиш, халқ бастакорлик ва композиторлик ижрочилик турларини, ижро садоларидан фарқлай олиш имкониятига эга бўладилар.

Миллий қадриятлар халқ мусиқасида чуқур акс этгани боис кучли тарбиявий таъсир воситаларидан бири бўлиб, талабаларда мусиқавий тасаввурларнинг шаклланиши уни ўрганиш ва унга эътиборга боғлиқдир^[4].

Талабалар “Маънавият кунлари”да мусиқий асарлардан намуналар тинглаш жараёнида қуйидаги маълумот ва билимларга эга бўладилар:

1. Мусиқий асарларнинг муаллифлари, уларнинг ҳаёти ва ижодлари тўғрисида маълумотларни билиб оладилар.

2. Ўзбек мусиқий асарларнинг бошқа халқлар мусиқасидан фарқли жиҳатларидан хабардор бўладилар.

3. Ижрочиларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўлиш билан бирга ижро услубининг ўзига хос хусусиятлари, ижрочининг ютуқ ва камчиликларини баҳолай оладилар.

4. Ўзбек мумтоз мусиқий асарларидан намуналар ижро эта олиш ва улар тўғрисида келажакда ўқувчиларга маълумот бериш имкониятига эга бўладилар.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларни қайта тиклаш, уларни янада бойитиш борасидаги ижтимоий зарурият ўз-ўзидан миллий мумтоз мусиқасининг ҳам кенг кўлламда ривожини талабаларга сингдиришда “Маънавият кунлари”да улардан унумли фойдаланишни тақозо қилади. Чунки мусиқа санъати ҳам барча санъат турлари каби инсон руҳияти ҳамда ижтимоий воқеликлар ҳолатини ифода этувчи восита, шунингдек, идрок этишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Мусиқа асарини яратишда ижодкор муайян образлар воситасида юксак инсоний сифатларни ёритади.

Кўриниб турибдики, талабалар учун ўтказиладиган “Маънавият кунлари” уларнинг маънавий – ахлоқий тарбияси ва ўз касбини чуқур эгаллашида муҳим ўрин эгаллаб, ҳар томонлама етуқ, баркамол шахсларни шакллантириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кушаев.И.А, Ахтамов.И.И «Педагогические основы традиционной профессиональной музыки (на примере искусства дастана)» ACADEMY научно-методический журнал ноябр-2020 Ст.59-62.
2. Кушаев.И.А, Ахтамов.И.И «Проблемы индивидуальных музыкальных занятий в вузах Узбекистана» ACADEMY научно-методический журнал №3(66)2021
3. IA. Kushaev «Musical pedagogical fundamentals of doston art» ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 2020/10/10. 1061-1067
4. IA Kushaev «Music pedagogical dollars of doston art» International Engineering Journal for Research & Development 2020/12/10
5. Ilkhom Akhtamovich Kushaev «Bakhshi art schools and their performing features» Scientific reports of Bukhara State University 2020//3/3 Стр.295-299
6. Илхом Ахтамович Қўшаев «Муסיқа маданияти дарсларида халқ муסיқаси намуналаридан фойдаланишнинг аҳамияти» Scientific progress 2021/1/5
7. ИФ Каюмов, М Жураева «Место музыки в воспитании духовно-нравственных качеств учащихся 5-7 классов общеобразовательных школ» Проблемы педагогики 2020.3(48) Стр.17-19
8. QI Fayzullaevich «Culture and art values and aesthetics in formation factors» Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2021/2/25
9. IF Kayumov «Values and aesthetic factors in the formation of culture and art» International Engineering Journal For Research & Development 2020/12/1
10. ИИЎ Ахтамов «Мақом анъанавий касбий муסיқа намуналарини ўрганишда овоз хусусиятлари» Scientific progress 2021/1/5.
11. Ibragim Fayzullaevich Kayumov. Xalq qo'shiqlari asoaida boshlang'ich sinf o'quvchilarning nutqiy malakasini o'stirish usullari. Scientific progress 2021/03Б.635-640.
12. Ibragim Fayzullaevich Kayumov. Formation of composing art in uzbek music. Researchjet journal of Analysis and Inventions. Volume 2, issue 12, december-2021. 61-65.
13. Ибрагим Файзуллаевич Каюмов. Санъатнинг турлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. Science And Education Volime 3, Issue 1 January 2022.849-854.
14. Илхом Ахтамович Кушаев. Педагогико-методические условия изучения традиционного музыкального наследия в образовании. Science and education Б.893-896.
15. Ислом Илхом ўғли Ахтамов. Муסיқа маданияти дарсларида халқ муסיқасининг ўрни. Science and education.Б.431-436.
16. О.И.Каримов Значение специфических особенностей и воспитательных возможностей узбекских народных инструментов - Academy, 2020
17. О.И.Каримов ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЕ МУЗЫКАЛЬНЫЕ ВЗГЛЯДЫ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ МУЗЫКИ - Вестник науки и образования, 2020

18. O.I. Karimov TANBUR SOZINING PAYDO BO 'LISHI VA MILLIY CHOLG'U IJROCHILIGIDAGI O'RNI- Scientific progress, 2021
19. О.И.Каримов САДРИДДИН АЙНИ-ЗНАТОК И ЛЮБИТЕЛЬ НАРОДНОЙ МУЗЫКИ - Вопросы науки и образования, 2021
- 20.Норова Ш. У. РОЛЬ ВНЕШКОЛЬНОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ //IJODKOR O'QITUVCHI. – 2022. – Т. 2. – №. 21. – С. 10-15.
21. Норова Ш. У. Роль народной музыки в духовно-нравственном образовании студентов //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 855-859.
22. Хасанов Х. Р., Яхяева Ш. Ш. МЕТОДИКА ОРГАНИЗАЦИИ «ГРУППОВОГО ПЕНИЯ» В ПРЕПОДАВАНИИ «МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ» В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В2. – С. 165-168.
23. Хасанов Х. Р. НЕОПРЕДЕЛЕННЫЕ ФОРМЫ В МУЗЫКЕ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 751-756.
24. Камолов Ш. Х., Бомуродов Ш. Ш. Педагогический характер студенческой молодежи и психологический подход //Academy. – 2021. – №. 3 (66). – С. 60-62.
25. Камолов Ш. Х. Приёмы и методы преподавания музыки в общеобразовательной школе //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 602-607.
26. Ибодов У. Р. Способы обучения музыкальной грамоте на уроках музыкальной культуры //Наука, техника и образование. – 2021. – №. 2-1 (77). – С. 65-68.
27. Ибодов У. Р. МУЗЫКАЛЬНЫЕ ФОРМЫ НА ОСНОВЕ ИНДИВИДУАЛЬНОЙ МОДЕЛИ КОМПОЗИЦИИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 236-241.